



Мўгуллар Хоразмшоҳ давлатининг кўп қисмларини, шаҳар ва қалъаларини босиб олишди. Жумладан, Ўтрор, Хўжанд, Бамиён, Бухоро ва Самарканд ишғол этилди. Бу ходисалар Хоразм давлатининг бошлиғи Алоуддин Хоразмшоҳга каттик таъсир қилган эди. Самарканд ишғолидан кейин тўпланган қенгашда бундан бўёнига бошқа бирор қимсадан ёрдам келмаслигига қаноат ҳосил қилинди.

Воқеанинг давомини доктор Сиржоний шундай тасвирлайди: «Лаънати Чингизхон Самарканддек гўзал, кўхна шаҳарни илғари кўрмагани сабаб, унга махлиё бўлиб, Самаркандни ўзига қароргоҳ қилди. Сўнгра ҳаёлига қелган илк фикр Хоразм давлати бошлиғини йўқ қилиш бўлди, чунки давлат бошлиғи ўлдирилса, ўзига қарши қўшин тўплай оладиган қимса қолмасдан, ўлкани хотиржам ва осонгина эгаллай оларди. Шу мақсадда Субутоӣ, Жебе ва Чингизхоннинг қуёви Тохучар бошлиқ[1] 20 минг[2] отлик изқуварларни Хоразм давлати бошлиғи Хоразмшоҳни тутиб қелиш учун жўнатаркан уларга: «Хоразмшоҳни қаердан бўлса ҳам, агарчи осмонга чиқиб қетган бўлса ҳам топасизлар», деди.[3]

Шундай муҳим ва катта бир вазифага 20 минггина қўшинни жўнатиши Хоразмшоҳ ва Ислоҳ умматининг устидан очикчасига қулганлигига, мазах қилганлигига ишора эди. Чунки миллионларча мусулмонларнинг ичига сафарбар этилган бу арзимаган сондаги 20 минг мўгул армияси мусулмонлар сонига нисбатан ҳеч қанча эмасди. 20 минг мўгул суворийлари тўғри пойтахт Урганч шаҳрига йўл олишди. Хоразмшоҳ Жайхун дарёси, ҳозирги қундаги Амударёнинг қарбий соҳилида эди. Мўгуллар дарёнинг шарқий соҳилига етиб қелишди, дарё бу икки қуруқликни иккига ажратиб турарди. Мусулмонлар ўзлари билан мўгуллар орасини дарё ажратиб турганига ва мўгулларда қайиқлару, қемалар йўқлигига ишониб, ўзларини қадил тутардилар. Мўгуллар эса, ёғочдан қочқалар тайёрлашди, ўзлари сув ўтказмайдиган қилиб устларига қигир териларини қийишди, сўнгра қочқаларга қуруқ-аслаҳаларини, қерак-яроқларини ва бошқа қарсаларини солишди. Сўнгра отларни сувга тушириб, қумларига қочқаларни қогладилар. Маълумингизки, отлар сувда яхши қузиш қобилиятига эга. Отлар сувда қузиб, орқасига қогланган, ичига қуруқлар ва бошқа қарсалар қолingan қочқаларни олиб ўтар эди. Шу

тарика мўғуллар улкан дарёни кесиб ўтдилар.[4]

Мухаммад ибн Хоразмшоҳнинг ҳамрохлари, давлат химоячилари бўлмиш Хоразм армиясининг кўзи қаерда эди?!

Мўғул аскарлари Урганч шаҳридаги мусулмонларни эсанкиратиб қўйди. Мусулмонларнинг адади жуда кўп бўлиши билан бирга калблари мўғуллардан қўркувга тўла эди. Ўзлари билан мўғуллар орасини катта дарё ажратиб турганига бўлган ишончларигина ўзларини йўқотмасдан туришини таъминларди. Лекин тонг отганда мўғулларни қаршиларида қўрдилар, мўғуллар етиб келибди, деб улар билан жанг қилишдими? Йўқ, аксинча, қочишдан бошқа чора топмадилар! Бу ходисани Ибнул Асир шундай баён қилади: «Мухаммад ибн Хоразмшоҳ хос қишлоғига ҳам қиё бокмай, қариндошларини, яхши қўрганларини ва оиласини тўплада-да, ҳозирги кундаги Эронда жойлашган Нишопурга қараб йўл олди. У шаҳардан бу шаҳарга қўчиб юрди, мунтазам армия эса, ҳар томонга тарқалиб кетди.[5] Ва лаа хавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ.

Мўғул изкуварларининг вазифаси маълум ва аниқ: Мухаммад ибн Хоразмшоҳни тутиб қилиш эди. Шунинг учун улар Урганчга қирмадилар, Нишопурга қараб йўналдилар. 20 мингдан кўп бўлмаган ҳолларида Ислом ерларининг тобора ич-ичига қариб борардилар. Чингизхоннинг ўзи эса, Самарқандда ўтирарди. Бу 20 минг мўғул аскарни Ислом диёрларининг тўрисида қариб қолганларида ўртага олиб қариб ташласа бўларди, аммо мусулмонларнинг қалбларига мўғуллардан бўлган қўркув ўрнашиб бўлган эди. Қўриб турганимиздек, давлатдан давлатга, шаҳардан шаҳарга қочиб юрган бошлиқлари Мухаммад ибн Тақаш Хоразмшоҳга эргашган ҳолатда қочиш йўлини танладилар. Бу қутурган мўғул изкуварлари олдиларидан чиққан шаҳарлар аҳолисини ўлдирмадилар, талон-тарож қилмадилар ва уларга қайрилиб ҳам қармадилар. Чунки топшириқлари ва мақсадлари аниқ эди, вақтларини ўлдириш, ғаниматлар жамлашга сарф қилмадилар, факат мусулмон бошлиқни ушлашни қасд қилдилар. Бошқа томондан, инсонлар ҳам мўғулларнинг қазабини қелтириб, ўзларига бало орттириб олмаслиқлари учун уларга қаршилиқ қилмади ва барча инсонлар уларга йўл очиб бердилар. Мана шу тарика мўғул аскарлари жуда осонлик билан қисқа вақт ичида буюк Нишопур шаҳрига яқин қелди. Мўғуллар ортидан қувиб қелаётгани сабабли Хоразмшоҳ атрофига на ансорларни ва на армияни тўплай олди. Мўғуллар яқинлашиб қолганини эшитиши биланок, шаҳарни тарқ қилди ва ҳозирда Эронда жойлашган Мозандарон шаҳрига йўл олди. Мўғуллар уни шаҳардан қиқиб қетганини эшитганида, улар ҳам унинг изидан Мозандаронга қараб юрдилар. У эса, Мозандарондан қиқиб, Ҳамадон шаҳрига отланди. Бу шаҳар ҳам Эронда жойлашган. Мўғуллар унинг пайида... У яна шармандаларча қочиб, яна Мозандаронга қайтди. Ундан сўнг, Ҳазар[6] денгизи соҳилида жойлашган Тобаристон шаҳрига юзланди.[7]

Насавийнинг хабар беришича, у маълум вақт соҳилдаги қишлоқларнинг биридаги масжидда мусулмонларга имомлик қилиб юрди. Агар Оллоҳ таоло мўғуллардан омонлик бериб, салтанатимни қайтариб берса, адолатни қоим қиламан, деб назр қилди.[8] Баногоҳ, яшириниб юрган жойи мўғул изкуварларга маълум бўлиб қолади ва унинг мақонига ҳужум қилишади. Шунда у ердан қочиб, денгиз соҳилида қемага минади ва қочиб қетади, мўғуллар етиб қелганида Хоразмшоҳ соҳилдан анча узоқлашиб қолган эди,

улар кема тополмай, оркасидан камондан ўк узишади, ўклар ҳам мўлжалга тегмайди. Ўклар хавога кетганини кўриб, жаҳл устида бир-бирларини гиж-гижлаб, кема ортидан баъзилари ўзини денгизга отади, Насавийнинг таъбири билан айтганда, сув уларни дўзах сари бошлади, яъни улар денгизга гарк бўлди.[9] Мусулмонларнинг буюк бошлиги Мухаммад ибн Такаш Хоразмшоҳнинг кочоклиги нихоясига етган, мўгуллардан «гоят зўр» кутулган эди.

Хоразмшоҳ шармандаларча кочиб Обискун[10] оролида жойлашган Амина калъасига холдан тойган ва касал холда етиб олади.[11] Ушбу калъада каттик факирлик ва огир ҳаёт кечирिशга рози бўлади. Бепоеъ давлатнинг подшоси, ҳисобсиз мол-мулкнинг сохиби эди, лекин ўлимдан кочиб, буларга рози бўлган эди. Аммо у ўлимдан ҳеч ким кочиб кутула олмаслигини унутган кўринади. Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ кўп ўтмасдан зотилжам касали оқибатида[12] 617 йил 22 зулҳижжа/1221 йил 24 феврал куни шу оролда, ўша калъа ичида ёлғиз, бадарга килинган, кочок ва факир ҳолатда оламдан кўз юмди.[13]

Хатто кафанлик ҳам тополмасдан, уни эғнидаги кўйлагига кафанладилар.[14]

Субҳаноллоҳ!

«Каерда бўлсангиз, хатто мустаҳкам калъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур».[15]

«Хар бир жамоат учун ажал бордир. Бас, қачон уларга ажаллари келса, уни бирон соат кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар».[16]

Мусулмон подшоҳни номаълум оролда хор бўлиб ўлгани афзал эдими ёки қадди рост, мағрур, собитқадам ва қалби хотиржам ҳолатда жанг майдонида ўлганими?!

Ортига қиё бокмай қочкин ҳолатда ўлган яхшими ёки шаҳид ҳолатда кетганими?!

Инсон ўлим вақтини белгилай олмайди, лекин ўлим йўлини танлай олади. Шижоат умрни ҳеч қачон қискартирмаганидек, жангдан қочиш ва қўрқоклик ҳам умрни узайтирмайди.

Оллохнинг йўлида жангда юрган киши тўшагида ўлса ҳам, Оллохнинг йўлида ўлган ҳисобланади. Имом Муслим ўзининг «Саҳих»ларида Саҳл ибн Хунайф разияллоху анҳудан ривоят қилади, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам шундай дедилар: «Ким Оллохдан сидқидилдан шаҳидликни сўраса, гарчи тўшагида ўлса ҳам, Оллох уни шаҳидлар мартабасига етказди».[17]

Абу Абдуллох Шоший

-----

---

[1] Рашидуддин «Жомӣут-таворих» (1/371, 374).

[2] Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/369). Жувайний ва Насавийнинг ривоятида 30 минг экани айтилади. Насавий «Сийратус-султон» (102-бет), «Мўгул истилоси» (171-бет).

[3] Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/371), Ибн Касир «ал-Бидаяту ван-Нихоя» (17/91), Сиржоний «Киссатут-татар» (34-бет).

[4] Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/370), Ибн Касир «ал-Бидаяту ван-Нихоя» (17/92).

[5] Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/370), Ибн Касир «ал-Бидаяту ван-Нихоя» (17/93), Насавий «Сийратус-султон» (104–106-бетлар).

[6] Каспий денгизи.

[7] Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/371), Ибн Касир «ал-Бидаяту ван-Нихоя» (17/93).

[8] Насавий «Сийратус-Султон» (106), Саллабий «ал-Мўгул» (121).

[9] Насавий «Сийратус-Султон» (106-бет).

[10] Рус. Абескун. Баъзи манбаларда Ашура ороли деб келган.

[11] Насавий «Сийратус-Султон» (106), Саллабий «ал-Мўгул» (121-бет).

[12] Насавий «Сийратус-султон» (106-бет).

[13] Ибнул Асир «ал-Камил фит-Тарих» (12/371), Саллабий «ал-Мўгул» (121), Насавий «Сийратус-султон» (107-108).

[14] Насавий «Сийратус-султон» (108-бет).

[15] Нисо: 78.

[16] Аъроф: 34.

[17] Муслим ривояти (3/1517), (1909).